XALQ DEPUTATLARI PESHKO' TUMAN KENGASHI QARORI

2021 - yil 2 - noyabr VI-40-43-2-39-K/21 Peshku tumani hokimligi

Тумандаги Малишояк маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Малишояк” аҳоли пунктининг бир қисмига “Бунёдкор” номини бериш тўғрисида

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси таркибидаги кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил 4 майдаги 19/2308-сонли йиғилиш баёни ҳамда “Малишояк” маҳалла фуқаролар йиғини “Малишояк” аҳоли пунктидаги кенг жамоатчилик таклифларини инобатга олиб, Халқ депутатлари Пешку тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси таркибидаги кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил май ойидаги йиғилиш баёни ҳамда эксперт хулосаси, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2021 йил 4 майдаги 19/2308-сонли йиғилиш баёни ҳамда “Малишояк” маҳалла фуқаролар йиғини “Малишояк” аҳоли пунктидаги кенг жамоатчилик таклифларини инобатга олиб, тумандаги Малишояк маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Малишояк” аҳоли пунктининг бир қисмига “Бунёдкор” номи берилсин.

2. Туман статистика бўлимига тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Р.Эргашев), “Пешку овози” газетаси таҳририяти (Ҳ.Шаропова)га мазкур масала юзасидан амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминлансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгшашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия раиси А.Исматова зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Каххоров**